



ARTICLE INFO

Received: 29th November 2022

Accepted: 11th December 2022

Online: 12th December 2022

KEY WORDS

Жиноят ишлари, судлар, иш кўриш, ошкоралик, очиқ, таъминлаш, ҳуқуқий асослар, ахборот, рақамлаштириш, қарор.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонидан келиб чиқиб, Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида ҳам судлар фаолиятида иш кўришнинг ошкоралигини таъминлаш¹ қаратилган ўзига хос мақсадлар белгиланган.

Шунингдек, Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида мамлакатимизда ҳам “суд органларининг фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг суд ҳокимиятига

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/>

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧСУДЛАРДА ИШ КЎРИШНИНГ ОШКОРАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Эрназаров Мақсуд Маматқулович

Жиноят ишлари бўйича

Арнасой туман суди раиси

mahsudernazarov1981@gmail.com

j.arnasoy@sud.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7430752>

ABSTRACT

Мазкур мақолада Жиноят ишлари бўйичасудларда иш кўришнинг ошкоралигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларига доир масалалар таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга доир тавсиялар берилган.

бўлган ишончини янада ошириш”²га қаратилган вазифалар белгиланган. “Барча давлат органларида қарор қабул қилиш жараёнлари, очиқ ва фақат очиқ бўлишини таъминлаш”³, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш талаб этилмоқда. Бу эса фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини оширишнинг самарали ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш, хусусан, судлар фаолияти очиқлиги ва судда иш

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6034-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2020 й., 06/20/6034/1103-сон; 21.01.2021 й., 06/21/6143/0052-сон.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи” газ. 2020 й. 30 дек. сони.



кўришнинг ошкоралигининг ҳуқуқий табиати, очиқлик ва ошкораликни таъминлаш чегараси, кафолатлари ҳамда суд ҳокимиятининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, соҳада жамоатчилик назоратини ривожлантириш истиқболларини тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради.

Суд ҳокимиятига нисбатан қўлланиладиган очиқлик ва ошкоралик тамойиллари адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқни амалга оширишнинг муҳим кўринишларидан бири сифатида бир қатор халқаро ҳужжатларда, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10, 11, 19, 29-моддалари, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактнинг 14, 19-моддалари,⁴ Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенциянинг 13-моддаси⁵ ва бошқа ҳужжатларда ифодасини топган ва ушбу нормалар қатъий бўлиб, ҳеч қандай истисноларга йўл қўйилмайди. Бу ҳақда ҳуқуқшунос олим О.Р.Сулаймонов ўз асарида куйидагиларни баён этади: “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактнинг 14-моддаси 1-бандида “Барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдир. Ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқиляётганда

ёки бирор-бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланаётганида қонунга мувофиқ тузилган нуфузли, мустақил ва холис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очиқ ҳолда кўриб чиқирилиши ҳуқуқига эга” деб қайд қилинган норма ҳеч қандай истисноларга йўл қўймайдиган императив норма ҳисобланади⁶.

Жиноят ишлари бўйич судларда иш кўришни ошкоралигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш ҳамда ушбу асосларни янада ривожлантириш ҳам мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштиришга, фуқароларнинг одил судловга эришиш даража-сини юксалтиришга, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда холис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилишни таъминлашга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги, улар томонидан қабул қилинаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан хабардор бўлиб боришни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари суд-ҳуқуқ соҳасига доир халқаро стандартлар асосида ривожлантирилиб борилди. Мамлакатимизда судлар фаолиятининг очиқлиги ва судларда иш кўришнинг ошкоралигини

⁴ Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. –Т.: Адолат, 1992. –64 б.

⁵Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция БМТ Бош ассамблеясининг 44/25-сонли резолюцияси билан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган ва 1990 йил 2 сентябрда кучга кирган. Ўзбекистон Конвенцияга 1994 йил 29 июнда қўшилган.

⁶Сулаймонов О.Р. Суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро-ҳуқуқий стандартларни имплементация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари: Юрид. фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. – Тошкент. IMPRESS MEDIA. 2020. – Б. 16-17.



таъминлашнинг ҳуқуқий асослари энг аввало, мамлакатимиз конституциясида, судлар тўғрисидаги қонунда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят – процессуал кодексида ўз ифодасини Жиноят ишлари бўйич судларда иш кўришнинг очиқлигини таъминлашнинг конституциявий асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган нормаларни кўрсатиш мумкин. Хусусан, Конституциямизнинг 2-моддасида “давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги”, 14-моддасидаги “давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши”, 29-моддасидаги “ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига, ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги”, 30-моддасидаги “Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим”лиги, 32-моддасидаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этишлари, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб боришлари”, 113-моддадаги ҳамма

судларда ишлар очиқ кўрилиши ва ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилиши каби нормалар⁷ мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу нормалар суд ҳокимиятининг очиқлигини таъминлаш баробарида суд фаолияти ҳақида жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборот олиш ҳуқуқини кафолатлашга хизмат қилади.

Кўриб турганимиздек, мамлакатимиз конституциясида судларда иш кўришнинг ошкоралигини таъминлаш билан бир қаторда суд фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, унинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш, суд фаолиятига доир ахборотларни олиш ва улардан фойдаланиш каби ҳуқуқлар ҳам белгиланган.

Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз Асосий Қонуни нафақат судда иш кўришнинг ошкоралигини, балки суд фаолиятининг очиқлигини таъминлашга қаратилган нормаларни ҳам ривожлантиришга, бу каби нормаларнинг бошқа қонун ҳужжатларига батафсил мустаҳкамланишига асос бўлади.

Судлар фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлашнинг процессуал ҳуқуқий асосларига Ўзбекистон Республикасининг ЖПКни киритиш мумкин.

ЖПКнинг 19-моддасида барча судларда, давлат сирларини кўриқлаш манфаатларига зид келадиган, шунингдек жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўриладиган ҳолларни истисно қилганда, жиноят ишлари ошкора кўрилиши ҳақидаги

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Тошкент, Ўзбекистон. 2020. – 5 б.



қоидалар назарда тутилган. Шунингдек, мақур Кодекснинг 426-моддасига кўра, суд мажлиси аудио- ёки видеоёзувга олинган тақдирда, суд мажлиси баённомасига суд мажлисида ёзиб олиш техника воситаларидан фойдаланилганлиги тўғрисида белги қўйилиши, аудио- ва видеоёзув сақланаётган электрон ёки бошқа манбалар суд мажлиси баённомасига илова қилиниши, унда ушбу воситалар қўлланилганлиги ҳақида белги қўйилиши назарда тутилган⁸.

Суд ҳокимиятининг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлашнинг моддий-ҳуқуқий асосларига, аввало янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонунни киритиш мумкин. Мазкур Қонуннинг 7-моддасига кўра, ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилиши, ишларни ёпиқ мажлисда кўриб чиқишга фақат қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилиши назарда тутилган⁹.

Бундан ташқари, фуқароларнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғриси-да”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолат-лари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Телекоммуникация тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари

фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни 8-моддасининг иккинчи қисмида ҳам давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаб беришга, мақбул ахборот ресурслари яратишга, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг хавфсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашга мажбур эканликлари белгилаб қўйилган¹⁰.

2014 йил 5 майдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонунда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлаш, ахборот олиш ҳуқуқи-нинг кафолатларини таъминлаш, давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар-нинг қабул қилинаётган қарорлар учун

⁸ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси//lex.uz/docs/111460

⁹ Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонуни // <https://www.lex.uz/acts/68532>

¹⁰Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни // <https://www.lex.uz/acts/52268>



масъулиятини ошириш, давлат органлари фаолияти билан боғлиқ ахборотни тарқатиш тартибини белгилаш асосий вазифалар сифатида кўрсатилди¹¹.

Бундан ташқари, суд ҳокимиятининг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда ушбу Қарорга илова сифатида 2017-2020 йилларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича Дастурнинг қабул қилиниши¹² эса бу борадаги амалий ишларни юқорида даражага олиб чиқишга замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида суд ишларини юритиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга

оширишнинг шакллари назарда тутилган¹³.

Шунингдек, суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш, судлар ва бошқа идоралар ўртасида маълумот алмашинувини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди¹⁴.

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг очиқлигини ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш, мақсадида Ўзбекистондаги суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлашга оид мавжуд қонун ҳужжатларини ягона қонунга бирлаштириш орқали алоҳида қонунини қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мазкур Қонунида умумий қоидалар, судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш талаблари ва судлар фаолияти ҳақида ахборот тақдим этиш, судларнинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги, судлар фаолияти ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, судлар фаолияти ҳақида ахборотни таъминлаш устидан назорат ҳамда судлар фаолиятини очиқлигини

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти-нинг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 209-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.08.2019 й., 03/19/559/3670-сон

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 36, ст. 948.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5482-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.07.2018 й., 06/18/5482/1506-сон.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // <http://uza.uz/oz/documents/sud-okmiyati-organlari-faoliyatini-ra-amlashtirish-chora-ta-04-09-2020>



таъминлашда юзага келаётган қоидалар ўз ифодасини топиши лозим.
низоларни ҳал этиш ва яқуний